

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ СУИЦИД ХОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИТИ

*Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти*

*Эргашев Дийёрбек Зафар Ўғли*

*E-mail: [diyorbekergashov226@gmail.com](mailto:diyorbekergashov226@gmail.com)*

**АННОТАЦИЯ** Ушбу мақолада демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда профилактика инспекторларининг жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда иштироки, профилактика инспекторларининг жамиятда содир бўлаётган суицид ҳолатларнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиши, асосий хусусиятлари, мазкур фаолиятни тартибга солувчи нормалар ва уларнинг амалиятда қулланилиши, ушбу ҳолатларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда ушбу фаолиятнинг амалга оширувчи маъсул ходимлар ва уларнинг иштироқи ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, суицид, “сати”, шахс, комил инсон, иммунитет.

**Создание среды против религиозного экстремизма и терроризма среди людей – потребность времени**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматривается участие инспекторов-профилактиков в повышении правосознания и правовой культуры в становлении демократического правового государства и формировании гражданского общества, предотвращение случаев суицида инспекторов-профилактиков в обществе, его происхождение, основные характеристики, нормы, регулирующие данной деятельности и их применение на практике, в этой статье В нашей статье представлена более

подробная информация об выявлении и устранении причин и условий, допускающих возникновение таких ситуаций, а также об ответственных сотрудниках и их участии в этой деятельности.

**Ключевые слова.** демократическое правовое государство, гражданское общество, коррупция, «сати», личность, совершенная личность, иммунитет.

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш орқали жамиятда барқарорлик таъминланиши мумкин, давлатнинг барқарор ривожланиши ва мустаҳкам булиши учун шароит яратилади. Аммо ахборот технологиялар яратилиб, инсонларнинг ишчанлик фаолияти пасайиб бормоқда. Чунки яратилаётган техникалар инсониятнинг оғирини енгил қилмоқда. Бу жараёнлар инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маъданиятига ҳам таъсир қилиши табиий ҳолдир. Баъзи ҳолатларда инсонларда ўзини ўзи ўзи ўлдириш, яъни суицид ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин. Ўзини ўзи ўздириш, худкушлик ёки ўз ҳаётига ўз ихтиёри билан чек қойишдир. Ўзин ўздиришликка жамиятнинг муносабати дин, шаън ҳамда ҳаёт маъноси мавзуларига алоқадор бўлиб келган.<sup>1</sup> Биз тепадаги айтиб ўтилган ҳолатда ҳаёт мазмунини йўқотиб, ўз жонига қасд қилган ҳолатларни айтмоқчи едик. Аксар динлар, масалан, Яхудийлик, Християнлик, Ислом, Буддизм кабилар ўзини ўлдиришни қоралашади ва гуноҳ деб баҳолашади, бироқ баъзи исломий ва христианлик секталари худкуш бомба ҳужумларини оқлашади ва уларни бажарганга шахид статусини ваъда етишади. Япониядаги самурайлар даврида эса ўзини ўлдириш ўз шаънини химоя қилиш мақсадида бажарилган ва ижобий баҳоланган. Шунингдек уруш вақтида камаказелик харбий қаҳромонлик дейя курилган. Ўзини ўлдириш жамиятда ҳамон қаттиқ қораланади, бироқ бедаво касалликка чалинган беморларнинг тиббий ёрдамини қабул қилмай қуйиш ёки

---

<sup>1</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/O%CA%BBzini\\_o%CA%BBldirish](https://uz.wikipedia.org/wiki/O%CA%BBzini_o%CA%BBldirish)

евтанизияни танлаш бахс остидадидир.Замонавий тиббиёт одатда ўзини улдиришни рухий носоғломлик деб атайдилар ва бундай кишиларга рухий ёрдам курсатилиши зарур, деб хисоблайдилар.

Адабиётларда ўзини ўзи ўлдириш сабалари турлиша бўлиши мумкин ва улардан баъзилрини санаб утамиз:

- Оғрик, яъни физиологик оғрик,
- Рухий сиқилиш, яъни яқин одами вафот этганига чидай олмасдан ўзини ўлдириш,
- Жиноят, яъни қамокдан кўра ўзимни авзал куриш,
- Рухий касаллик,
- Ногиронлик,
- Шаънини сақлаб қолиш,
- Диний, яъни шахид номига сазовар бўлиш,
- Фалсафий, яъни хайёт маъноси йуқ деб уйлаш(негилизм, пессимизм) шу кабилардан иборат.

Профилактика инспекторлари ўз фаолиятини ташкил этишда биринчи навбатда асосий вазифаси ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишдан иборат. Ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида иш фаолиятини амалга оширувчи ўзини ўзи бошқариш органи аъзолари билан ҳамкорликда иш фаолиятини ташкил этади. Ўзини ўзи ўлдириш, яъни суициднинг асосий таркибини статистикаларнинг курсатишича вояга етмаганларнинг хисобига туғри келади. Бундай ҳолатда профилактика инспектори ўз маҳалла ҳудудида биринчи навбатда тарғибот ташвиқот ишларини мактаб, техникумларда ушбу мавзуда ташкил этиши, вояга етмаганларнинг умуман ҳуқуқбузарлик содир этишига имкон яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида уларнинг бўш

вақтини мазмунли ташкил этмоғи, турли спорт уйинларини ўтказиши лозим. Хаёт мазмуни қизиқарли, ҳар доим бирор нарса билан машғул бўладиган боланинг ўз жонига қасд қилиши эҳтимоли жуда кам бўлади. Бундан ташқари, мактабларда иш фаолиятини амалга оширувчи психолог инспекторларининг берган руйхати буйича ўзини хулқ атвори ёмон тутаётган еки жамоадан ажралиб қолган болалар буйича алоҳида ишлаб уларнинг уй шароитларини ўрганиш мақсадга мувоқиқдир. Чунки ойладаги тушинмовчилик орқасидани вояга етмаган шахс қаттиқ таъсирланиши мумкин. Шу каби бошқада сабабларни айтиб ўтишимиз мумкин. Ушбу сабаблар агарда ўз вақтида олди олинмаса, суицид ҳолатлари кузатилиши мумкин. Бу эса профилактика инспектори балки ўзини ўзи бошқариш органларининг етарли даражада ишламаётганлигидан дарак беради.

Ўзини ўзи улдириш ҳолатларини олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари ўз фаолияти давомида тепадаги айтиб ўтилган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириши, агарда бу ҳолатларла суистеъмолчилик билан қарайдиган бўлса тегишли органларнинг устига тақдимнома киритиши мумкин. Ушбу асос Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 313-моддасига асосан: Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларн бартараф қилиш юзасидан чораларни кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбариятига киритади. Раҳбар тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бирой ичда уни киритган органга (мансабдор шахсга) курилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.<sup>2</sup> Агарда ушбу тақдимномани ижроси таъминланмаса, ушбу орган устидан тақдимноманинг бажарилмаганлиги юзасидан судга мурожаат қилиши мумкин. Шу орқалигина профилактика инспекторлари ўз маҳалласида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаши мумкин.

---

<sup>2</sup> <https://old.lex.uz/m/acts/97664>

Дунёда ўзини ўзи ўлдириш ҳолати ўлимнинг келиб чиқиш сабаблари рўйхатида саккизинчи ўринни, зўравонлик натижасида келиб чиқадиган ўлимлар орасида эса биринчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, ҳар йили бир миллионга яқин одам ўзини ўзи ўлдиради, ўн миллиондан йигирма миллионга яқин одам эса, ўзини ўзи ўлдиришга уринади<sup>3</sup>. Бу кўрсаткич ўртача ҳар 40 сонияда бир киши ўз жонига қасд қилади, деганидир. Шунингдек, айрим маълумотлар ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ўтган асрга нисбатан кескин ошганлигини ҳам тасдиқлаб турибди. Хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида кўрадиган бўлсак, Марказий Осиё таҳлилий тармоғи ташкилотининг маълумотларига кўра, 1990–2019 йиллар давомида ўзини ўзи ўлдириш кўрсаткичи 11 фоизга ошган<sup>4</sup>. Албатта бу айтиб ўтилган статистика юзасидан Ўзбекистонда олиб қарайдиган бўлсак, вояга етмаганларнинг рўйхатда биринчи ўринда туриши ва ушбу вояга етмаганларнинг купчилиги Интернет ижтимоий тармоғига қарамлик орқасидан келиб чиқганлигини куришимиз мумкин. Профилактика инспекторлари ўз фаолияти давомида ушбу мавзудаги вазифани бажаришда Интернет ижтимоий тармоғига этибор қаратиши, тунги вақтларда Интернет уйин клубларини назорат остига олиб, у ерларда тунги вақитларда вояга етмаганларнинг булишини олди олиши мумкин. Бу мавзуларда мактабларда ҳам “Профилактика” куни доирасида тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш давомида этибор қаратиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Шунки давлатимизнинг эртанги келажаги бугунги ёшларнинг тақдирига лоқайд қарайдиган булсак, эртанги келажагимиз пораканда булади. Ёшларни маънан етук, комил ва баркамол қилиб тарбиялайдиган булсак, улар демократик давлат ва фуқаролик жамиятимиз пойдевори бўлади.

Махалла ҳуқуқ-тартибот масканида халқ билан яқик, унинг дардини ешитадиган, енг яқин хизматлардан ўзини узи бошқариш органлари ходимлари,

---

<sup>3</sup> Около миллиона человек в мире ежегодно кончают жизнь самоубийством. [ria.ru/society/20080131/98082091.html](http://ria.ru/society/20080131/98082091.html)

<sup>4</sup> Самоубийства в Центральной Азии (инфографика). <https://caa-network.org/file:///Network.html>.

яъни махалла райиси, хотин қизлар фаоллари, хоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектор хизмати бекиёсдир. Ушбу хизмат ходимлари ўз фаолиятига маъсулият билан қараб, ҳар бир ишга этибор қаратиб ишлийдиган бўлса, ёшларнинг бўш вақтини махмурли ташкил этиб, назорат остига олинадиган бўлса ўз-ўзини улдириш ёки бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ўз вақтида олинади.

#### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. <sup>1</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/O%CA%BBzini\\_o%CA%BBldirish](https://uz.wikipedia.org/wiki/O%CA%BBzini_o%CA%BBldirish)
2. <sup>1</sup> <https://old.lex.uz/m/acts/97664>
3. <sup>1</sup> **Около миллиона человек в мире ежегодно кончают жизнь самоубийством.**  
[ria.ru/society/20080131/98082091.html](http://ria.ru/society/20080131/98082091.html)
4. <sup>1</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/O%CA%BBzini\\_o%CA%BBldirish](https://uz.wikipedia.org/wiki/O%CA%BBzini_o%CA%BBldirish)
5. <sup>1</sup> [https://old.lex.uz/m/acts/97664 re](https://old.lex.uz/m/acts/97664_re)
6. « Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»  
<https://constitution.uz/uz/clause/index>
7. Около миллиона человек в мире ежегодно кончают жизнь самоубийством.
8. [ria.ru/society/20080131/98082091.html](http://ria.ru/society/20080131/98082091.html)
9. <sup>1</sup> <https://www.gazeta.uz/oz/2021/02/16/16-february-1999/>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқароларҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5005-сонли Фармони.
11. Фуқаролик жамияти. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Fuqarolik\\_jamiyati](https://uz.wikipedia.org/wiki/Fuqarolik_jamiyati)